


ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА ҚУРИЛИШ

2019 йил январь-март ойларида вилоятнинг асосий капиталини кўпайтиришга 1529,2 млрд.сўм миқдорида инвестициялар киритилди ва ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 50,4 фоизни ташкил қилди.

Инвестициялар ҳажми ЯХМ таркибидаги улуши 7,0 фоизни ташкил қилиб, 2018 йил январь-мартга нисбатан ўсиш суръати 131,3 фоизни ташкил қилди.

Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг ўсиш суръатлари, фоизда (январь-март)



Асосий капиталга инвестицияларнинг ўзлаштирилган ҳажми бўйича туманлар кесимида Ромитан тумани етакчилик қилмоқда. Ушбу ҳудудда жами асосий капиталга инвестицияларнинг 31,6 фоизи ўзлаштирилди.


Шунингдек, Бухоро шаҳри жами инвестициялар ҳажмидан 19,1 фоизини, Олот тумани 18,5 фоизини ташкил этмоқда. Гиждувон тумани ва Когон шаҳрида ушбу кўрсаткич мос равишда 5,6 фоизи ва 4,8 фоизини ташкил этди.

Қорақўл ҳамда Вобкент туманларида инвестициялар энг кам ўзлаштирилган бўлиб, хар бирининг шаҳардаги улуши 1,2 фоизи ва 0,9 фоизини ташкил этди.

**Молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга киритилган
инвестицияларнинг тақсимланиши қуйида келтирилган**

	<i>млрд.сўм</i>	<i>ўсиш суръати,%</i>	<i>яқунга нисбатан фоиз</i>
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	1529,2	50,0	100,0
<i>шу жумладан:</i>			
Марказлашган инвестициялар:	228,7	256,3	15,0
бюджет маблағлари	76,4	196,1	5,0
жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш	-	-	-
Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги ҳузуридаги сув таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш жамғармаси	6,8	-	0,5
ривожланиш ва тараққиёт жамғармаси	-	-	-
ҳукумат кафолати остида чет эл кредитлари	145,5	402,1	9,5
Марказлашмаган инвестициялар	1300,5	43,8	85,0
корхоналарнинг ўз маблағлари	189,9	30,7	12,4
аҳоли маблағлари	280,2	232,5	18,3
тўғридан-тўғри ва бошқа хорижий инвестиция ва кредитлар	598,7	30,8	39,2
тижорат банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	231,7	76,7	15,1


**Асосий капиталга киритилган инвестицияларда марказлашган ва марказлашмаган инвестицияларнинг улушлари
(январь-март)**



Марказлашган молиялаштириш манбалар ҳисобидан 2018 йилнинг мос даврига нисбатан 256,3 фоизни ташкил этиб, 228,7 млрд. сўм (жами инвестициялар ҳажмининг 15,0 фоизи) ўзлаштирилди.

Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг марказлашган молиялаштириш манбалари


(январь-март жами инвестициялар ҳажмидаги улуши, фоизда)



Шундан, бюджет маблағлари 76,4 млрд. сўмни ташкил этиб, ўсиш суръати ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 196,1 фоизни ташкил қилди (умумий ҳажмдаги улуши 5,0 фоиз), сув таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш жамғармаси 6,8 млрд. сўмни ташкил этиб, Ўзбекистон Республикаси қафолати остидаги хорижий инвестиция ва кредитлар 145,5 млрд. сўмни ташкил этиб, ўсиш суръати ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 402,1 фоизни ташкил қилди (умумий ҳажмдаги улуши 9,5 фоиз).

Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг марказлашмаган молиялаштириш манбалари

(январь-март жами инвестициялар ҳажмидаги улуши, %да)



Марказлашмаган молиялаштириш манбалари ҳисобидан киритилган жами инвестициялар 1300,5 млрд. сўмни ташкил этди, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 43,8 фоизни (жами инвестициялар ҳажмидаги улуши 85,0 фоиз) ташкил этди. Шундан жами инвестициялар ҳажмида энг кўп улуш тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар ҳисобига ўзлаштирилган инвестициялар бўлиб, 598,7 млрд. сўмни ташкил этди, ўсиш суръати ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 30,8 фоизни ташкил қилди (умумий ҳажмдаги улуши 39,2 фоиз), корхонанинг ўз маблағлари ҳисобига ўзлаштирилган инвестициялар 189,9 млрд. сўмни ташкил этиб, ўсиш суръати ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 30,7 фоизни ташкил қилди (умумий ҳажмдаги улуши 12,4 фоиз), аҳоли маблағлари ҳисобига ўзлаштирилган инвестициялар 280,2 млрд. сўмни ташкил этиб, ўсиш суръати ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 232,5 фоизни ташкил қилди (умумий ҳажмдаги улуши 18,3 фоиз), тижорат банклари кредитлари ва бошқа қарз маблағлари 231,7 млрд. сўмни ташкил этиб, ўсиш суръати ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 76,7 фоизни ташкил қилди (умумий ҳажмдаги улуши 15,1 фоиз).

**2019 йил январь-мартда асосий капиталга киритилган
инвестицияларнинг технологик таркиби**


млрд. сўм

	<i>жами</i>	<i>давлат</i>	<i>нодавлат</i>
Жами	1529,2	247,3	1281,9
<i>шу жумладан: умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида</i>			
қурилиш-монтаж ишлари	56,9	62,0	55,9
машина, ускуналар, транспорт воситалари ишлаб чиқариш ва хўжалик жиҳозлар	24,2	34,6	22,1
бошқа харажатлар	18,9	3,4	22,0

Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг технологик таркибида қурилиш ва монтаж ишларининг улуши 2018 йил январь-март ойларига нисбатан 13,5 фоизга камайган ва машина, ускуналар, транспорт воситалари, ишлаб чиқариш ва хўжалик жиҳозлар қиймати улуши 7,8 фоизга ошган, бошқа харажатлар 5,7 фоизга ошган.

Асосий капиталга киритилган инвестициялар ва кредитларни иқтисодий фаолият турлари бўйича (умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)

(январь-март)



Асосий капиталга инвестицияларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича таркибида юқоридаги диаграммада кўрсатиб ўтилганидек, тоғ-кон саноати етакчилик қилмоқда. Ушбу тармоқда жами молиялаштириш манбалари ҳисобидан 487,6 млрд. сўм ёки жами асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг 31,9 фоизи ўзлаштирилган. Шундан 485,2 млрд. сўм, ёки инвестицияларнинг 31,7 фоизи табиий газ қазиб чиқариш учун йўналтирилган.

Шунингдек, асосий капиталга инвестицияларнинг энг кўп инвестиция ҳажмлари уй-жой қурилишига 14,0 фоизи, ташиш ва сақлашга 1,7 фоизи, ишлаб чиқарадиган саноатига 6,3 фоизи, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигига 14,4 фоизи соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш 1,4 фоизи ва бошқа фаолият турларига 30,3 фоизи тўғри келади.

Турар жой қурилишига инвестициялар аҳолини намунавий лойиҳалар асосида қурилатган ва арзонлаштирилган уй-жойлар қурилиши бўйича давлат дастурларининг амалга оширилиши ҳамда аҳоли томонидан яқка тартибдаги турар-жойлар қурилиши ҳажмлари билан боғлиқ.

Асосий капиталга инвестицияларнинг такрор ишлаб чиқариш таркиби
(жамига нисбатан фоизда)

	млрд. сўм	Умумий ҳажмдаги улуши, %
Жами	1529,2	100,0
<i>шу жумладан:</i>		
янги қурилиш	795,6	52,0
кенгайтириш, реконструкция, модернизация қилиш ва техник қайта қуроллантириш	387,0	25,3
бошқа йўналишлар	346,6	22,7

Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг такрор ишлаб чиқариш таркиби бўйича умумий ҳажмдан янги қурилишга 795,6 млрд. сўм ёки 52,0 фоизи, кенгайтириш, реконструкция, модернизация қилиш ва техник қайта қуроллантиришга 387,0 млрд. сўм ёки 25,3 фоизи ва бошқа йўналишларга 346,6 млрд. сўм ёки 22,7 фоизи тўғри келади.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича ўзлаштирилган асосий капиталга инвестициялар
(январь-март)

	Млрд.сўм	Жамига нисбатан улуши, % да	
		2018 й.	2019 й.
Асосий капиталга инвестициялар - жами	1529,2	100,0	100,0
<i>шу жумладан:</i>			
қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	220,4	5,3	14,4
тоғ - кон саноати	487,6	72,8	31,9
ишлаб чиқариш саноати	86,9	4,2	6,3
электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	2,2	0,1	0,1
сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш	59,9	1,0	3,9

	Млрд.сўм	Жамига нисбатан улуши, % да	
		2018 й.	2019 й.
қурилиш	52,4	2,7	3,4
улгуржи ва чакана савдо, моторли транспорт воситалари ва мотоцикларни таъмирлаш	50,4	1,3	3,3
ташиш ва сақлаш	26,2	6,6	1,7
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	12,5	0,2	0,8
ахборот ва алоқа	3,4	0,1	0,2
молия ва суғурта фаолияти	3,3	0,1	0,2
таълим	28,4	0,3	1,9
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	20,9	0,3	1,4
жами фаолият турларидан ташқари: турар жой қурилишига инвестициялар	214,2	3,9	14,0
бошқа фаолият турлари	250,5	1,1	16,5

Ижтимоий соҳа объектларини қуриш

Ноишлаб чиқариш соҳасига киритилган инвестициялар ҳажмидан 214,2 млрд.сўм ёки 51,2 фоизи уй-жой қурилишида ўзлаштирилган. 2019 йилнинг январь-март ойларида умумий майдони 191,0 минг кв.м. бўлган 844 та уй-жой (ўсиш суръати ўтган йилга нисбатан 3,0 м.к.), шу жумладан, қишлоқ жойларида 132,3 минг кв.м. (ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати 2,9 м.к) уй-жой фойдаланишга топширилди.

Умумтаълим мактабларини қуриш ва қайта таъмирлашга 2,0 млрд. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди, бу эса ноишлаб чиқариш соҳасига йўналтирилган инвестицияларнинг 0,5 фоизини ва таълим соҳасига киритилган инвестицияларнинг 7,2 фоизини ташкил қилди.

Соғлиқни сақлаш объектларини қурилишида 7,2 млрд. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди, бу ноишлаб чиқариш соҳасига йўналтирилган инвестицияларнинг 1,7 фоизини ташкил қилади.

Коммунал қурилиш соҳасида 61,7 км. узунликдаги ичимлик суви тармоқлари ишга туширилди. Ишга туширилган умумий ичимлик сув тармоқларининг 61,7 км. ёки 100,0 фоизи қишлоқ жойларига тўғри келади.


Ичимлик суви тармоқлари қурилишига 1,1 млрд. сўм, аҳоли маблағлари ҳисобидан 0,03 млрд. сўм (2,5 фоизи) инвестициялар ўзлаштирилди.

Қурилиш фаолияти. 2019 йил январь-мартда 604,3 млрд. сўмлик қурилиш пудрат ишлари бажарилиб, 2018 йил январь-мартга нисбатан ўсиш суръати 131,3 фоизни ташкил этди.

Қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 65,0 фоизи янги қурилиш, реконструкция қилиш, кенгайтириш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлашга, 35,0 капитал таъмирлаш ва бошқа пудрат ишларига тўғри келади.

Шаҳар ва туманлар қурилиш ишларининг ўсиш суръати, фоизда


(январь-март)



Қурилиш ишлари бўйича юқори ўсиш суръатлари қуйидаги туманларда кузатилди: Пешкў туманида 241,9 фоиз ва ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 190,0 фоиз пунктга кўпайди, мос равишда, Шофиркон туманида 194,3 фоиз (115,3 фоиз пункт), Бухоро туманида 176,8 фоиз (100,0 фоиз), Ромитан туманида 207,7 фоиз (149,8 фоиз пункт)ни ташкил этди.

Нодавлат мулкчилик шаклидаги ташкилотлар томонидан 573,3 млрд. сўмлик қурилиш ишлари амалга оширилиб, жами қурилиш ишлари ҳажмидаги улуши 94,9 фоизни (2018 йил январь-мартга нисбатан ўсиш суръати 131,0 фоизни) ташкил қилди.

Иқтисодий фоллят турлари бўйича бажарилган қурилиш ишлари (млрд.сўм)




Қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 62,9 фоизи бинолар ва иншоотларни қуриш бўйича қурилиш ишлари 14,8 фоизи фуқаролик қурилиши объектларини қуриш бўйича қурилиш ишлари ва 22,3 фоизи ихтисослаштирилган қурилиш ишларига тўғри келди.


Нодавлат мулкчилик шаклидаги ташкилотлар томонидан 573,3 млрд. сўмлик қурилиш ишлари амалга оширилиб, қурилиш ишларининг умумий ҳажмида 94,9 фоизни (2018 йил январь-мартга нисбатан 0,2 фоизга камайган) ташкил қилди.

Мулкчилик шакллари бўйича қурилиш ташкилотларининг ўз кучлари билан бажарган қурилиш ишлари тақсими
(умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)

2018 йил январь-март



2019 йил январь-март



■ Давлат мулки

■ Нодавлат мулки